2011 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 228 (12.039) Баҳоси эркин нархда

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда ўқувчилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Иссиқлик таъминоти соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида дўстлик фестивали ўтказилди.

● Жиззах вилояти архив ишлари ҳудудий бошқармасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — ижтимоий, сиёсий барқарорлик кафолати» мавзуида фотокўргазма очилди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур кўргазмада намойиш этилаётган фотосуратларда давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилган имкониятлар, қулайликлар ва улардан фойдаланиш самаралари ўз аксини топган.

● Бухорода Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, «Ўзбектеатр» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ҳаваскорлик театрларининг республика фестивали бўлиб ўтди.

● Бухоро вилояти Эндокринология диспансерида «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилди. Тадбир давомида фуқаролар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Диабетга чалинган 14 ёшгача бўлган болаларга инсулин ва шприцлар тарқатилди.

ЖАҲОНДА

● Италия парламенти Сенати янги бош вазир Марио Монти бошчилигидаги ҳукуматга ишонч билдирди.

● Европарламентнинг халқаро ишлар бўйича қўмитаси Хорватиянинг Европа Иттифоқига киришини маъқуллади.

● «Ҳамкорликдаги қадамлар режаси» бажарилганидан сўнг Европа Иттифоқи ва Россия ўртасида визасиз режимни жорий этиш юзасидан музокаралар бошланади.

● МАГАТЭда бугун Эрон резолюцияси бўйича овоз бериш жараёни ўтказилади.

● Бугун Россиянинг чекка ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларида олтинчи чақириқ давлат думасига муддатидан олдин сайловлар бошланди. Ушбу сайловлар шунингдек, 54 та хорижий мамлакатлардаги Россия фуқаролари ўртасида ҳам ўтказилади.

● Афғонистоннинг Кобул шаҳрида террорчилик ҳаракати амалга оширилди — иккита ракета зарбаси берилди. Улардан бири мамлакат парламенти юқори палатаси биносидан 500 метр узоқликда портлаган бўлса, иккинчиси Кобул шимолига келиб тушган. Ушбу қўпорувчилик ҳаракатлари «Толибон» жангарилар гуруҳи томонидан амалга оширилганлиги айтилмоқда. Оқибатда икки киши жароҳатланган, қурбонлар йўқ.

● Минск шаҳридаги метрода йирик террорчилик ҳаракатини амалга оширган Дмитрий Коновалов ва Владислав Ковалёвлар ўз жиноятлари учун ўлим жазосига ҳукм қилинишлари мумкин. Зеро, суд мажлиси давомида юқоридаги ҳар иккала судланувчи учун прокурор шундай жазо бериш ҳақида талаб қилди.

● Испанияда 10 йилга мўлжалланган етти фоизга яқин даромадли янги облигациялар муомалага чиқарилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кўргазмалар

ТЎҚИМАЧИЛИК ВА КИМЁ САНОАТИ РИВОЖИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

«Ўзэкспомарказ» мажмуасида бир йўла учта — «Тўқимачилик саноати — 2011» 8-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси, «Кимё саноати — 2011» 5-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси ва «Пластмасса саноати — 2011» 2-халқаро кўргазмалари қизғин иш юритмоқда. Ушбу нуфузли тадбир ташкилотчиси «ITE Uzbekistan» кўргазмалар компанияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо ва саноат палаталари унинг расмий қўллаб қувватловчиларидир.

Айни кузги мавсумнинг тўқимачилик саноатига бағишланган кўргазмаси павильонини айланганимизда, бу ерда жаҳоннинг ўн битта мамлакатига мансуб қирқдан зиёд етакчи компания ва фирмаларининг энг сўнгги ютуқлари — тўқимачилик маҳсулотлари ва хизмат кўрсатишни намойиш этувчи экспозициялари ташриф буюрувчилар эътиборини жалб қилаётганининг гувоҳи бўлдик. Эътиборлиси, ушбу экспонентларнинг саксон фоизини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар эгаллаган бўлса, қолганини Германия, Ҳиндистон, Беларусь, Қозоғистон, Латвия, Туркия, Хитой, Польша, Россия ва Франция каби хорижий давлатлар маҳсулот ва хизматлари ташкил этади.

«Ўзбекенгилсаноат» ДАКдан маълум қилишларича, компания тасарруфидаги корхоналарга 2015 йил охиригача ички бозорлардан ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини махсус чегирмалар билан сотиб олишга рухсат этилган, шунингдек, ДАК корхоналарини импорт божхона божлари тўлашдан озод қилиш муддати ҳам 2016 йил 1 январгача узайтирилган. Шундан кўриниб турибдики, соҳани ривожлантириш учун давлатимиз томонидан берилган имтиёзлар ва преференциялар мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, шу билан бирга, тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш, импорт ўрнини босувчи товарлар билан ички бозорни тўлдириш ва асосийси, аҳоли бандлигини таъминлаш каби долзарб масалалар ечимини топишида ўз самарасини беради.

«Кимё саноати — 2011» 5-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси ва «Пластмасса саноати — 2011» 2-халқаро кўргазмаси павильонлари стендларидаги соҳадаги энг янги ютуқлар, инновацион технологиялар намойиши нафақат соҳа мутахассислари, балки кўргазмага ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад мамлакатимиздаги саноат корхоналарининг техник ва технологик салоҳияти ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилинган янгиликлар билан яқиндан танишишдан иборат. Уч кун давомида кимё саноати корхоналарининг тақдимот маросимларида ҳамда экспонатлари билан танишиш жараёнида манфаатдор корхона ва ташкилотлар мутахассислари шундай имкониятга эга бўлишди.

Айтиш жоизки, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ушбу тизимда ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотлар тури йил сайин ортмоқда. Масалан, «Шўртангазкимё» мажмуасида «UzClear» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган полиэтилен маҳсулотлари, турли ўлчамдаги плёнкалар, шиша идишлар, кабелни ҳимояловчи қопламалар, қувурларга талаб ниҳоятда катта бўлмоқда. Айниқса, мажмуанинг полиэтилен маҳсулотлари бугунги кунда Италия, Польша, Голландия, Эрон, Хитой, Россия каби давлатларда эътиборга молик.

Ташкилотчиларнинг фикрича, бу галги кўргазмалар тўқимачилик ҳамда кимё ва пластмасса саноатини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш умумий жараёнида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараён эса маҳаллий хом ашё ва энг илғор технологик ишланмалар ҳамда ишлаб чиқаришдаги инновацион технологиялар мададида ички ва ташқи бозордаги юксак талабларга жавоб берувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилгани билан алоҳида ўрин тутади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
Козим Ўлмасов олган сурат

БУЮК ДАВЛАТНИНГ МУҚАДДАС ТИМСОЛИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи қабул қилинганига 20 йил тўлди.

Бу йил давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг нишонладик. Шу муносабат билан ўтказилган барча шодиёналар, байрам тантаналарида давлатимиз байроғи юксак ҳилпираб турди.

Бундан йигирма йил аввал – 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунда миллий байроғимиз республика суверенитетининг рамзи экани алоҳида таъкидланган.

Аслида бу тарихий воқеага тайёргарлик анча олдин бошланган эди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва жасорати билан 1990 йил март ойида – ҳали собиқ иттифоқ қиличини қайраб турган бир пайтда давлат рамзлари ҳақидаги масала парламент сессиясида муҳокама қилинганди.

Рассомлар, тарихчи олимлар, депутатлар ҳамда кенг жамоатчилик таклифлари махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилди. Икки юздан ортиқ эскиз – намуна орасидан биз бугун севиб-ардоқлайдиган байроқ тасвири қабул қилинди ва 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланди.

Шундан буён бу байроқ юртдошларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини қучайтириш, халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ватанимиз байроғи бугун ҳар биримиз учун суюкли ва қадрлидир.

Давлатимиз байроғининг нақадар қадрли ва муқаддас эканлигини ҳар қадамда ҳис этамиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳи, бошқа кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар олдида юзлаб байроқлар орасида озод Ўзбекистонимиз байроғи ҳилпираб турганини кўрганимизда, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамёд қилаётган ўғлонлар шу байроқ олдида тиз чўкади. Жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ғолиб чиққан спортчиларимиз юртимиз байроғини баланд кўтариб, давра айланади.

– Давлатимиз байроғи биз, спортчиларга ҳамиша катта қувват бағишлайди, шу байроқни баланд кўтаришга – ғалабага чорлайди, – дейди бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Элшод Расулов. – Чунки бу байроқ бизни баркамол этиб вояга етказган, дунёга чиқишимизга йўл очган мустақил Ватанимиз тимсолидир.



Давлатимиз байроғига ҳурмат «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунни пухта ўрганиш ва унга тўла амал қилишимизда ҳам намоён бўлади. Миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишда белгиланган ранглисхематик тартибларга риоя этишимиз, унинг мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар томонидан ҳурмат қилинишига эришишимиз чин инсоний бурчимиздир.

Зеро, давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги қудратли давлатлар туғларидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда юртимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этади.

Байроқдаги мовий ранг мусаффо осмон ва тиниқ сув – еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида давлатимиз ошадиган довонларга йўл очади. Яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони – ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

(Давоми 2-бетда)

КОНЦЕПЦИЯНИ ЎРГАНИШДА ФАЛСАФАНИНГ ЎРНИ

Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фалсафа фанининг ўрнига бағишланган илмий анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, «Олима аёллар» уюшмаси, Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда жамоат арбоблари, олимлар, ўқитувчи ва тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспинал, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази директори Р.Убайдуллаева, «Олима аёллар» уюшмаси раиси Р.Муртазоева ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, айниқса, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни қатъий ва изчил давом этаётгани, одамларимиз онгу тафаккурида юз берган ўзгаришлар, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани ҳам ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Тадбирда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш фалсафа фани вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юклаши таъкидланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган махсус мусиқа академик лицейида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тафтиш комиссиялари раислари учун семинар ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлигида ўқувчи-ёшлар ўртасида «Байроғим – фахрим» мавзусида ўтказилган иншолар кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Инсоният цивилизацияси ҳамма вақт онг ва тафаккур тараққиёти, унинг беқиёс куч-қудрати, яратувчилик даҳоси билан тарихда буюк силжишлар қилган. Турли даврларда, турли минтақаларда турли ҳолатларда юз берган бундай ҳодисалар инсон ва жамият тараққиётини кутилмаган чўққиларга олиб чиққан. Жаҳонга танилган баъзи олимлар, жумладан П. Друкер таълимнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиш учун, уни меҳнат муносабатлари билан боғлаб, «юқори малакали кадрлар фаолиятидан фойдаланиш, доимо, меҳнат унумдорлигининг портловчи тусда ошишига олиб келади» – деб баҳо беради.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Таълим жамиятда умумэътироф этилган қадрият, кўникма, билимларни бир шахс ёки кишилар жамоасидан, иккинчи шундай шахс ёки жамоага берилувчи жараён сифатида талқин қилинади. Дарҳақиқат, таълим жамият ҳаётида узлуксиз давом этадиган жараён бўлиб, доимо ривожланишда бўлади.

Ҳозирги замон нуқтаи назаридан таълим глобаллашув жараёнида янги жаҳон ҳамжамиятини шакллантиришнинг асосий элементларидан бўлиб, шахс ва жамият ривожланишининг муаммоларини ҳал этишда марказий ўрин тутмоқда. XXI асрда жамият ривожининг устувор йўналишларидан бири таълим олиш, касбий билимларни эгаллаш бўлмоқда. Ҳозирги давр «билимлар асри» деб номланиб, «таълимга асосланган жамият» тушунчалари пайдо бўлди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим, аввало, жамият маҳсули, инсон учун шахс мақомига эришиш имконидир. Шахснинг жамиятда фаолият олиб боришини таъминловчи воситалар.

«Таълим» тушунчаси «тарбия» тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Таълим шахс тарбияси жараёнининг бир қисми ҳисобланади.

Таълим бир вақтда ҳам ҳуқуқий, ҳам фалсафий категория ҳисобланиб, унинг ривожланишига тарихий нуқтаи назардан қараш мақсадга мувофиқдир.

«Билим олиш ҳуқуқи» атамаси *объектив* ва *субъектив* маънода ишлатилади. Объектив маънода билим олиш ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқий институт сифатида ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормаларнинг йиғиндиси бўлса, субъектив маънода эса, шахсларнинг алоҳида субъектив ҳуқуқи, яъни билим олиш ҳуқуқи тушунилади.

Таълим олиш ҳуқуқи эса шахсларнинг билимларга ва ахборотларга сезадиган эҳтиёжидан келиб чиқади ҳамда билим олиш ҳуқуқи мазмунини ташкил қилади. «Таълим олиш ҳуқуқи» ва «билим олиш ҳуқуқи» мазмунан синоним атамалар ҳисобланади.

«Билим» тушунчасининг луғавий ўзаги қадимги туркий тилдан олинган бўлиб, ҳикматли сўз, доно маслаҳат деган маънони англатади. Билим – кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари, воқеликнинг инсон тафаккурида акс этишидир.

Билим олиш ҳуқуқи ҳар бир кишининг шахс сифатида шаклланишига, саводхонлик даражасига, жамиятнинг равнақ топишига хизмат қилади ҳамда унинг турмуш тарзи ва жамиятда тутган мавқеига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Жамият қанчалик маърифатли бўлса тегишли давлат иқтисоди, ижтимоий ҳаёти ва маданияти шунчалик юқори кўрсаткичларга эришади ҳамда ҳар бир шахснинг турмуш тарзи фаровонлашади. Шунинг учун ҳам у аксарият мамлакатларда давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган бирламчи соҳа ҳисобланади.

Давлатнинг ўзи биринчи ўринда билим доираси кенг кишилар орқали давлат бошқарувини амалга оширишдан манфаатдор, чунки бундай шароитда таълимнинг сифат даражаси баланд бўлиб, моддий жиҳатдан кам таъминланган аҳоли қатлами ҳам юқори малакали мутахассислардан иборат бўлиши мумкин. Бу омил жамият тараққиётининг энг муҳим кафолатидир.

Мазкур ҳуқуқнинг реал амалга оширилиши шахсга ўрта маълумот ва профессионал (касб) тайёргарликни эгаллаш имконини беради. Бу эса, ҳар кимнинг малакали меҳнат фаолиятини юритишига замин яратади. Илмли, ўқимишли бўлишдан нафақат инсоннинг ўзи, балки бутун жамият ва давлат манфаатдордир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида «ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга...» дейилган. Ушбу ҳуқуқнинг Конституция даражасида мустаҳкамланиши унинг фуқаролар учун жуда катта аҳамиятга эгалигини билдиради.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига кўра: «Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга. Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида билим олиш ҳуқуқининг инсон ҳуқуқи сифатида ҳар кимга берилиши мустаҳкамланган. Ушбу нормаларда «ҳар кимга» ибораси фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни англатади. Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси фуқароларининкидан фарқ қилади (масалан, олий таълим олишда тўлов контрактининг миқдори бўйича). Ўзбекистонда истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат таълим стандартларига мувофиқ, таълим соҳасида ҳуқуқий кафолатланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида шаклланган янги таълим тизимининг фаолият механизмини янада такомиллаштириш, уни жаҳон талабларига мос тарзда ташкил этиш, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган билим олиш ҳуқуқларининг юридик табиатини ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат АСАДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди

БУЮК ДАВЛАТНИНГ МУҚАДДАС ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Байроқдаги янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатимиз тарихида янги давр бошланганини билдиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз эса беғуборлик (булутсиз осмон), мукаммаллик (бир ойил), донишмандлик (12 фазилат) каби бир неча сифатларни ифодалайди.

Бугун мамлакатимиз Президентимиз Ислом Каримов томонидан аниқ белгилаб берилган, бутун дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт йўлидан изчил ривожланмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари, халқаро ташкилотлар, молия муассасалари, хорижий корпорация ва компаниялар Ўзбекистон билан фаол ҳамкорликка интилмоқда. Мамлакатимизнинг минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

Давлатимиз байроғи Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, давлатимизнинг чет эллардаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналарида, халқаро миқёсдаги нуфузли анжуман ва конференциялар, спорт мусобақаларида баланд кўтарилмоқда. Бу азиз тимсол давлат идоралари, резиденциялар, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида юртимиздаги тинчлик-фаровонликнинг рамзи сифатида мағрур ҳилпираб турибди.

Бу ҳар биримизга юксак ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди. Қалбларимизда шу байроққа, унинг тимсолида она Ватанимизга бўлган чексиз ҳурмат, чуқур дахлдорлик ҳиссини янада мустаҳкамлайди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Қарор ва ижро

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи ва энергия тежайдиган ихчам люминесцент лампалар 2010 йилнинг сентябридан бошлаб ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тизимида янги «Neo sun light» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ишга туширилди. 2015 йилда энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни 28,7 миллион донага етказиш мақсадида 2011 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ҳужжатда белгиланган вазифаларни бажариш учун «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси шу йилнинг сентябрида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида янги «Uzkor Lighting» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси негизида энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасини бошлади, шунингдек, «Neo Sun Light» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси негизида энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш» лойиҳасининг иккинчи босқичини амалга оширди.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ушбу энергия тежайдиган лампаларнинг сифати хорижникидан қолишмайди.

Мамлакатимизда атроф-муҳитнинг симобдан зарарланишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 21 сентябрида «Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, энергия тежайдиган лампаларга зарар етказмайдиган ва уларнинг таркибидаги симобли моддаларнинг ҳаво, сув таъминоти манбалари, тупроқ ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларига тушишининг олдини олиш мақсадида симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлинган ресурсларини утилизация қилиш билан шуғулланадиган ташкилотлар, энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар, шу жумладан, энергияни тежайдиган лампаларни сотиш, маиший чиқиндиларни тўплаш пунктлари орқали алоҳида идишларда йиғиш билан шуғулланади. Улар бу борада ўз фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тегишли рухсатномасига эга бўлиши лозим.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ресурслари ишлатиб бўлинган энергия тежайдиган лампаларни йиғиш ва утилизация қилиш аҳолидан ҳам алоҳида масъулият талаб қилади. Негаки, улар ўз ресурсини ишлатиб бўлган лампаларни топшириш қоидаларини яхши тушуниши ва билиши лозим.

Хусусан, таркибида симоб бўлган лампаларни турғун савдо дўконлари, савдо комплекслари, шунингдек, фирма дўконлари ҳамда ишлаб чиқарувчилар ваколатхоналари орқали сотаётган савдо корхоналари аҳолидан ўз ресурсини ишлатиб бўлган ва таркибида симоб бор лампаларни чекловсиз қабул қилиши ҳамда кейинчалик уларни энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқарувчи корхоналарга топшириши шарт. Бунда симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлинган ресурсини (уни қайси корхона ишлаб чиқарганидан қатъи назар) қайтариб берган ҳар бир кишига энергия тежайдиган янги лампани сотиб олишда 5 фоиз чегирма берилади.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва халқаро муносабатлар бошқармаси бошлиғи Мансур Ҳошимовнинг айтишича, айни пайтда ресурслари ишлатиб бўлинган лампаларни утилизация қилиш бўйича зарур жиҳозларни харид қилиш масалалари кўриб чиқилмоқда, бу борада жаҳон тажрибаси ўрганилмоқда. Ўзбекистонда бу иш билан тегишли рухсатномаларга эга хусусий компаниялар, шунингдек, энг замонавий ускуналарни сотиб олишга тайёр ишлаб чиқарувчилар шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва уларнинг жойлардаги ҳудудий бўлинмалари таркибида симоб бўлган лампаларни йиғиш ҳамда утилизация қилишни ташкил этиш, ўтказиш устидан доимий назоратни амалга оширади.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ:

БАРҚАРОР, ХАВФСИЗ АВИАТАШУВЧИ

Миллий матбуот марказида миллий авиа компания хизмат кўрсатиш тизимида эришилган ютуқ ва тажрибалар, техник ва технологик янгиликлар, фуқаро авиацияси соҳасидаги хавфсизлик тизимининг устувор масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ходимлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби миллий авиация ҳам тубдан ислоҳ этилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК технологик базаси янгиланиб, аэропортлар техник таъминоти такомиллаштирилди. Йўловчиларга сервис хизматларини кўрсатиш даражаси ҳам яхшиланиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йилдан йилга ортмоқда.

Тадбирда мустақилликнинг 20 йиллигига тўёна сифатида тизимда юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган, барча қулайликларга эга «Тошкент-З» маҳаллий авиаташувлар аэровокзали, «Бухоро» халқаро аэропортида соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга замонавий янги йўловчи терминали ишга туширилганлиги таъкидланди.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, Навоий шаҳри аэропортида келгусида соатига 400 нафар мижозга хизмат кўрсатувчи терминалнинг реконструкцияси давом этмоқда. Мазкур аэровокзал 2012 йилда фойдаланишга топширилади. Нукус аэропортида эса жаҳон талабларига тўла жавоб берувчи учиш-қўниш йўлкаси реконструкция қилинди. Бу йўлкада барча русумдаги замонавий самолётларни қабул қилиш мумкин.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва Airbus консорциуми ўртасида 10 та ўрта масофага учувчи А320 самолётларини етказиб бериш бўйича имзоланган шартнома босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Унга кўра 8 та самолёт миллий авиакомпаниянинг халқаро ва маҳаллий йўналишларида мувафақиятли парвоз қилмоқда. Яқин кунларда уларнинг сони 10 тага етади. Истиқболда миллий авиакомпанияга яна иккита Боинг-787 Dreamliner ҳамда тўртта Боинг-767 самолётларини олиб келиш режалаштирилган.

Тадбирда авиаташувлар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётганлиги, биргина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида МАК хизматларидан 1 миллион 727 минг йўловчи фойдаланганлиги бу ўтган йилга нисбатан 7,7 фоизга ошганлиги эътироф этилди.

Авиация техникасига хизмат кўрсатишда замонавий методларни жорий этишдаги хизматлари учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Давлатлараро авиация қўмитасининг 20 йиллиги муносабати билан ушбу ташкилотнинг Фахрий дипломи билан тақдирланди.

Миллий авиакомпаниянинг SkyTeam алянсига аъзо бўлишига доир Бош битимнинг якуний варианти тайёрланди ва яқин кунларда унинг имзоланиши кутилмоқда.

Эришилган ютуқларда, шубҳасиз Миллий Авиа Компания ходимларининг ҳиссаси беқиёс. Юқори малакали мутахассисларнинг фидокорона меҳнати туфайли «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бугунги кунда жаҳонда барқарор, хавфсиз, кучли ва илдам ривожланаётган авиаташувчи сифатида эътироф этилмоқда.

Алиёр ОРИПОВ.
«Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

«...Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин товлаш эмас, аксинча унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди? Қандай қилсак мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади?». Бу саволларни Президентимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида кўтарганди ва унинг ечимларини ҳам кўрсатиб берганди.

АРМИЯ — САДОҚАТ, МАТОНАТДАН САБОҚ БЕРУВЧИ МАКТАБ

Бугун бу саволларга баралла айтадиган жавобимиз бор: муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг такомиллаштирилгани, чақирув тизимининг янада шакллантирилгани пировардида армиямизнинг қиёфаси ўзгариб, мазмун-моҳияти ва жанговар қобилияти, мамлакатимизнинг мудофаа қудрати шаклланишига хизмат қилмоқда.

Ҳа, бу саволларга жавоб топганимиз ёшларимиз, фуқароларимиз онгу тафаккуридаги ўзгаришларга ҳам сабаб бўлди. Бугун миллий армиямизга ота-оналар, умуман олганда, фуқароларимиз, ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, оила ва мактабда олиб улгурмаган тарбияни ўргатадиган, Ватани, халқига садоқат, матонат, жасоратдан сабоқлар берувчи ҳаёт мактаби сифатида қарашади.

ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Чақирув тизимини такомиллаштиришга қаратилган эзгу ишлар бир жойда депсиниб тургани йўқ. Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини бу борада алоҳида таъкидлаш мумкин.

Мазкур муҳим ҳужжатга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 январдаги қарори, 2009 йил 9 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Йиғин ва чақирув пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш учун уларнинг намунавий лойиҳаси ҳамда 2010-2012 йилларга мўлжалланган Дастур лойиҳаси тайёрланди. Мазкур лойиҳа Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилгач, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 августдаги «Чақирув ва йиғин пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган Дастур ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан «Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича чақирув комиссиялари тўғрисида»ги Низом тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 октябрдаги қарори билан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2009 йил 11 мартдаги буйруғи билан амалга киритилган «Энг яхши мудофаа ишлари бошқармаси, бўлими танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги Низомда нафақат энг яхши мудофаа ишлари бошқармаси, бўлими, балки энг яхши йиғин ва чақирув пунктларини аниқлаш ҳам кўзда тутилган.

Бирма-бир саналаётган бу ҳужжатлар ўз навбатида чақирилувчининг муайян мезонларга асосланган кўрик-танловдан ўтиши, яъни ҳар томонлама сараланиб, Қуролли Кучларимиз сафларининг бутланишига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Мудофаа вазирининг буйруғи асосида ўтказилаётган энг яхши мудофаа ишлари бошқармаси, бўлими танловини олайлик. Таъкидлаш жоизки, бундай танловлар мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимларининг навбатдаги чақирувни ўтказиш тайёргарлигини, ҳужжатлар билан ишлаш сифатини яхшилаш, фуқароларни муддатли ҳарбий, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш тизимларини такомиллаштиришга, чақирув ва йиғин пунктлари базаларини замонавий талаб даражасига етказишга, чақирув даврида фуқароларни ҳарбий қисмларга жўнатиш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни доимий яшаш жойларига қайтариш борасидаги ишлар самарадорлигини янги бир босқичга олиб чиқмоқда.

Йиғин ва чақирув пунктларининг реконструкция ва модернизация қилинаётгани эса чақирув сифатининг янада ошишига хизмат қилянти.

АСКАРЛИККА — ТАНТАНА БИЛАН

Қайси мамлакатда аскарликка тўй, тантана билан кузатишади? Ёки муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилганда тантана билан кутиб олинади? Ҳеч қайси мамлакатда, дея жавоб бериш учун менда маълумот йўқ. Лекин жонажон Ўзбекистонимизда бу масалага давлат даражасида эътибор қаратиляпти, давлат Ватан ҳимоячиларига ана шундай юксак эҳтиром кўрсатяпти, дея баралла айта оламан.

2005 йил 15 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарлари зиммаларига фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга уюшган ҳолда йиғиб, ҳарбий қисмларга тантанали вазиятда жўнатиш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларида тантанали кутиб олишни таъминлаш юклатилган. Қувонарлиси шундаки, мазкур Қарор орқали халқимизга хос анъаналар шаклланмоқда.

Ўтган кунлар кечагидек ёдимда. Амаким ва тоғамни армияга кузатишга борганмиз. Аскарликка йўл олганларнинг яқинига йўлаб бўлмайди. Узоқдан қўл силкиганмиз, холос. «Нимага улар эски-туски кийимлар кийишган». Бунга ўзим кейинчалик жавоб топдим: шўро даврининг чақирилувчилари инсоний қадр-қимматга эга бўлишмаган. Бугун эса бир ҳамкасбим айтганидек, «Йигитлар давлатга» дейишдан кўра «Давлат ўз аскар ўғлонларига хизмат қилмоқда», десак ҳам хато бўлмайди. Энг муҳими шундаки, уларнинг давлат ва халқ олдида ҳурмати бор, қадри баланд! Биз уларни муддатли ҳарбий хизматга муносиб деб топилган энг фаол, соғлом ва кўркам ёшларимиз, деб эъзозлаймиз. Шундай фикрларни қоғозга туширар эканман, ҳар сафар фахр, ғурур туйғулари кўнглимни осмон қадар юксалтиради.

Алижон САФАРОВ

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-барангдир. Маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини бошқа амалий санъат турлари қаторида ёғоч ўймакорлиги ташкил қилади. Ўзбек диёрида вужудга келиб гуллаб-яшнаган ёғоч ўймакорлиги санъати бемисл ва бетакрорлиги билан дунёга машҳур.

Ёшлар — келажагимиз

МИЛЛИЙЛИК ВА АНЪАНАВИЙЛИК ТИМСОЛИ

Малакали ҳунармандлар орасида Камолиддин Раҳимов ҳам ўз ижоди билан халққа танилди. У ёғоч ўймакорлик санъатида 13 ёшидан бери ижод қилиб келади.

Камолиддин Раҳимовнинг бадиий безак бериб ишланган бир қатор ижодий ишлари нафақат мамлакатимиз, балки хорижликларнинг ҳам эътиборини жалб этади. Уста томонидан яратилган буюмлар орасида Ер шари ва тарихни ўзида мужассам этган бадиий лаганни миллий ҳунармандчилигимизнинг яна бир дурдонаси десак адашмаган бўламиз.

Мазкур лаган Тошкент ёғоч ўймакорлик мактаби услубида ишланган. Унинг қалинлиги 2,5 см, айланаси эса 165 см.ни ташкил қилади. Ушбу лаган учун 100 йиллик ёнғоқ дарахти танланган бўлиб, у 5 йил давомида махсус усулда қуритилган ва композиция учун асосий материал бўлиб хизмат қилган. Бадиий буюм учун елимдан фойдаланилмаган.

Тарих рамзи сифатида акс эттирилган лаган қадимий «пар-гори» услубида ишланган бўлиб, унинг марказидаги доирада буюк алломаларимизнинг бири Беруний тасвирланган.

Бадиий лаганнинг марказидаги доира шакли Ер курраси-ни англатади. Унда сариқ ва мовий ранглардан ислимий нақшлар тасвирланган. Ҳар бир нақш ўз жозибасига эга бўлганидек, уларнинг ўз маъноси ҳам мавжуддир. Жумладан, сариқ ранг Ўзбекистоннинг доимий порлаб турувчи қуёши нурли келажаги ва истиқболи рамзи сифатида, мовий ранг эса мусаффо осмон, пок ниятлар, софлик рамзи сифатида ифодаланади. Бўёқлар табиий усулда тайёрланган ва қўлланилган.

Композиция марказидаги ёзувлар соф тилла билан ёзилган бўлиб, у буюмга алоҳида жило бағишлайди. Бадиий лаганнинг марказий қисмидаги катта доирада лаган тасвирининг бир бўлаги акс эттирилган. Бу ўтмишнинг бугун билан узвий боғлиқ ва тарихсиз келажак йўқ эканлигини билдиради. Доира атрофига икки қават ўйилган ислимий нақшлар ишланган. Ушбу нақшлар «бодомой» деб номлансада, миллий бойлигимиз бўлмиш пахта кўринишини эслатади.

Мазкур бадиий ёғоч ўймакорлигидаги лаган ижодий жиҳатдан мукаммал ишланган бўлиб, ўзида миллийлик билан бирга тарихни, қадимий анъаналарни ифодалайди.

Камолиддиннинг таъкидлашича, миллийлик ва анъанавийлик, бадиий ёғоч ўймакорлигининг қадимий усул ва услублари мазкур ҳунарманд учун қадрли бўлиб, ўзининг ижодий изланишлари давомида барча бадиий услубларни қунт билан ўрганишга ва ижодий ишларида қўллашга интилади. У бирон буюм яратишдан аввал тарихий манбаларга мурожаат этган ҳолда миллий нақшларнинг яратилиш қоидаларига амал қилади.

Камолиддин Раҳимов тўхтовсиз ижод қилиш билан биргаликда юртимизда ташкил этилган кўргазмаларда фаол қатнашиб келмоқда. Жумладан, 1998 йил «Зукко авлод» кўрик-танлови, 2000 йил «Қўли гул уста», 2002 йилда «Энг яхши педагог», 2003 йил «Ташаббус-2003», сўнг «Ташаббус-2004», «Ташаббус-2005», «Ташаббус-2006» кўрик-танловларининг туман ва шаҳар босқичларида фахрли ўринларни эгаллаган. Шу билан бирга «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг ҳал қилувчи босқичида 1-ўринга лойиқ деб топилиб, Президентнинг олий соврини билан тақдирланди. Бундан ташқари, бетакрор иқтидор эгаси Камолиддин Раҳимов томонидан яратилган ёғоч ўймакорлик асарларидан бир нечтаси Англия, Италия, Франция, Германия, Греция каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Бу каби ютуқлар ижодкорнинг юксак иқтидори ва маҳоратидан далолат беради.

Мухлиса АБДУРАЗЗОҚОВА,
Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси

БАХТИНГ БУТУН БЎЛСИН, БОЛАЖОН!

Халқимиз азалдан болажон. Ҳаётимизнинг азиз неъмати бўлмиш ўғил-қизларни суйиб-ардоқлаган, бор меҳрини бериб тарбиялаб, эл корига ярайдиган инсон қилиб вояга етказган. Ҳамиша фарзандининг бахтини кўришни, омадли бўлишини тилаган.

Куни кеча Миробод туманидаги 5-туғруқхонада Тиббиёт ходимлари кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари шу куни туғруқхонада дунёга келган қизалоқ отаонасига бир олам қувончу шодлик билан бирга қўшалоқ омадни туҳфа этганига гувоҳ бўлишди. Гап шундаки, энг ажойиб сана — 2011 йил, 11 ой, 11 кун соат 11 дан 11 дақиқа ўтганда туғилган қизалоқнинг оиласига шаҳримиздаги Dedeman Silk Road Tashkent hotel меҳмонхонаси томонидан 1111 долларлик совға сертификати топширилди.

— Ажабланарлиси шундаки, туғуруқхонамизда шу куни бошқа чақалоқ туғилмади, — дейди бош шифокор Павел Евстигнеев. — Қолаверса, яқинда туғруқхонамизга замонавий жиҳозлар келтирилган, ҳудудимизни ободонлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган эди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли, она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш йўлида амалга оширилаётган барча хайрли ишлар албатта соғлом авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, 2006 йил 12 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилингани, унга кўра тиббиёт ходимларининг касб байрами ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбасида мамлакатимизда кенг нишонланиши юртимизда инсон манфаатлари ҳамиша устуворлигининг яна бир тасдиғидир. Обод ва озод диёрда туғилган ҳар бир болажонни бахтли десак ярашади.

Қизалоққа меҳр билан Николь Шестак деб исм қўйишди. Унинг Денис исмли акаси бор. Ота-онаси маҳаллий лак-бўёқ заводида ишчи.

— Чақалоқнинг соғ-омон дунёга келишининг ўзи бир мўъжиза, катта байрам, — дейди Николнинг онаси Виолетта Полтавченко. — Қизимнинг туғилишини узоқ вақт кутганман. Ўғлим ҳозир 15 ёшда. Оналар учун фарзандининг соғлом, бахтли чехрасини кўришнинг ўзи энг катта бойлик. Омадли болажонимга ҳаётда ҳам қўша-қўша ютуқлар ҳамроҳ бўлишини тилайман.

— Болалар дунёнинг энг ноёб мўъжизалари, уларга ҳамиша эътибор, меҳр бериш, севиш керак, — дейди Dedeman Silk Road Tashkent hotel меҳмонхонаси бош менежери Жанлук Тоззо. — Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда болалар ва оналар ижтимоий муҳофазасига қаратилган, аниқ мақсадли ишларнинг амалга оширилаётгани эътиборга лойиқдир. Меҳмонхона раҳбарияти ҳам ушбу савобли ишга ҳисса қўшишни мақсад қилди. Бундай тадбирларни бундан кейин ҳам давом эттириш ниятидамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

«Камолот»

ТАЪЛИМ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан пойтахтимиз ёшларининг маънавий дунёқарашини шаклланишида кўмаклашиш, уларни миллий мафкура ва истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш борасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ёшларнинг таълим олиши йўлида барча шарт-шароитлар яратилган. Истиқлол фарзандларининг чет эл олий ўқув юртларида таълим олишлари ва малакаларини оширишлари ҳамда саёҳат қилиб, дунё тажрибаларини ўрганишларини таъминлаш мақсадида қатор ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келаётирлар.

Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Educational Voyage» ташкилоти ҳамкорлигида шаҳримизда таҳсил олаётган коллеж ва академик лицейларнинг ўқувчилари учун «Таълим-тарбия келажак пойдевори» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Шунингдек, Кенгаш томонидан пойтахтда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилот етакчилари фаолиятини янада ривожлантириш, юқори ютуқларга эришган бир қатор тиббиёт мутахассисларини рағбатлантириш мақсадида 7-шаҳар клиник шифохонасида мусиқий тадбир ўтказилди.

Унда мамлакатимизда истиқлол шарофати билан эришилган ютуқлар, тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган натижалар мутахассис ва иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, ҳаракат фаоллари ўз касбига садоқат ва масъулият билан ёндошувчи, оқ халатига содиқ бўлган шифокорларга бундан кейин ҳам эл хизмати йўлида асло чарчамасликларини тиладилар

Лазокат ҚОДИРОВА,
«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши матбуот хизмати раҳбари

Тадбирлар

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида «Қулликка рози бўлманг» шиори остида «Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз» мавзусида кенгайтирилган давра суҳбати ташкил этилди.

Ҳаракатнинг туман Кенгаши раиси Суҳроб Қирғизбоев ёшларга энг қабиҳ жиноят турларидан бири ҳисобланмиш гиёҳвандлик ва унинг кетидан келиб чиқадиган иллатлар ҳамда айрим одамларнинг енгил ҳаётга интилиш илинжида алданиб, қул сифатида сотилиб кетаётганлиги ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

Давра суҳбати жараёнида ёшларга махсус видеофильм намойиш этилиб, тарқатма қўлланмалар топширилди. Тадбирда иштирок этган маҳаллалар фаоллари ва мутахассислар томонидан йигит-қизларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар қайтарилди.

«Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ёшлар дастури координатори Шаҳноза Қосимованинг қизиқарли саволжавобларга бой маърузаси давра суҳбатининг интерфаол ва ноодатий ўтишини таъминлади.

Тоир АБДУЛЛАЕВ,
«Камолот» ЁИҲ Ҳамза тумани бўлими Кенгаши етакчи мутахассиси

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Пойтахтда фуқароларнинг ташқи меҳнат миграцияси ва одам савдосига қарши курашиш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Бугунги кунда ташқи меҳнат миграцияси ҳар бир давлат учун муҳим масала бўлиб қолаётир. Аҳолининг меҳнат миграциясини таъминлаш ва шу орқали одам савдосига қарши курашиш борасида фаол чоралар кўриш йўналишида юртимизда мукаммал тизим яратилганлиги қувонарли ҳол. Бу борада Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан меҳнат бозорида банд бўлмаган фуқароларга, хусусан касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахсларга, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида ишини йўқотган кишиларга, ногиронлар ва оилавий шароитига кўра ишламаётган аёлларга яқиндан кўмак бериш учун аниқ манзилли чоралар кўрилмоқда.

Ана шундай ишлар қўламига бағишланган тадбирда вазирлик ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 869 мингга яқин иш ўринлари яратилганлиги, жумладан, вилоятлар кесимида меҳнат ресурслари кўп бўлган Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Андижон, Бухоро ва Наманган вилоятларида ташкил этилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, бу йўналишда мамлакатлар ўртасида ҳамкорликнинг кучайиб бораётганлигини, ишлаш учун чет давлатларга чиқиб кетиш тизимини тартибга солиш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳузурида фуқаролар учун махсус ўқитиш марказлари ташкил этилганлиги қайд этилди.

— Мазкур мавзу кенг жамоатчилик эътиборини тортиши бежиз эмас, бу борада Президентимиз ҳам маърузаларида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши эканлигини таъкидлаганлар, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ахборот хизмати бошлиғи Равшан Ибрагимов. — Тадбирда тилга олинган фикрлар, маълумотларнинг барчаси кишиларни меҳнат миграцияси масаласига жиддий ёндашувини талаб этади. Жумладан, юртимизда инсон ҳақ-ҳуқуқига катта эътибор берилаётган бир вақтда, ноқонуний миграциянинг олдини олиш, одам савдоси офатидан четга чиқаётган фуқароларимизни огоҳлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳозирда долзарб муаммога айланган. Шунинг учун ҳам айни пайтда одам савдосига қарши курашиш йўналишида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги, вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармаларида манфаатдор 8 та вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш бўйича аниқ режалар тасдиқланди. Унга кўра, тарғибот-ташвиқот ишлари ОАВ орқали янада кучайтирилди.

Тадбир якунида миграция масалаларига оид журналистларнинг саволларига вазирлик вакиллари жавоб бериб ўтишди.

Наргиза АСАДОВА,
"Туркистон-пресс"

Таълим

КОМПЬЮТЕРЛАР СОВҒА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимиз таълим тизимида ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина Тошкент Ахборот технологиялари университети Корея Республикасининг 10 та олий ўқув юрти, тўртта илмий тадқиқот маркази билан яқин алоқа боғлаган.

«XXI аср учун Корея тадқиқот фонди» ва Инха университети билан ҳам муносабатлар йўлга қўйилди.

Ўзаро келишувга биноан Инха университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари вакиллари яқинда пойтахтимизда бўлиб, икки ўқув хонасига мўлжалланган 20 та компьютерни тақдим этдилар. Айни вақтда меҳмонлар қисқа муддатли ўқув машғулотини олиб бордилар.

МУСТАҚИЛ ЎРГАНУВЧИЛАР УЧУН

Ёшларда компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида қатор ўқув адабиётлари чоп этилмоқда. «Компьютерни мустақил ўрганиш» деб номланган ўқув қўлланма ҳам босма юзини кўрди.

Мазкур китоб замонавий ахборот-коммуникация, компьютер ва интернет технологиялари бўйича ишловчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, мутахассисларнинг ахборот технологияларидан самарали фойдаланиши учун мустаҳкам замин яратади.

Акбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Электр энергиясидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Худудий электр тармоқлари корхонаси «TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» очиқ акциядорлик жамияти электр энергиясининг барча истеъмолчиларига 2011 йил 1 январда тузилган электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш шартномаларининг амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабрида тугаши муносабати билан 2012 йил учун янгидан шартномалар тузилиши лозимлиги тўғрисида маълум қилади. Электр энергиясини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш шартномасини тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур. Шартнома қуйидаги талаблар бажарилганда тузилади:

Ҳисоб-китоб нуқталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган тақдирда:

2011 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебитор қарзлари мавжуд бўлмаганда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотлар билан 2012 йилга шартнома тузилмайди ҳамда уларга электр энергияси етказиб бериш тўхтатилади.

Электр энергиядан фойдаланиш қоидаларига асосан юқорида қайд қилинган ҳолларда энергия таъминоти корхонаси ўчириш оқибатлари учун жавоб бермайди.

Худудий электр тармоқлари корхонаси «TOSHKENT SHAHAR ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» очиқ акциядорлик жамияти маъмурияти

Тошкент шаҳар, Олмазор туманида жойлашган 2-болалар «Мурувват» уйига тегишли Олмазор туман давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси жамоаси корхонада узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатган меҳнат фахрийси

Рихситилла ота УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Қозоғистонда ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи «Фьючерс» туркумидаги турнирда дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан келган спортчилар қаторида ўзбекистонлик ракетка усталари ҳам бош соврин учун курашмоқда.

Теннис

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Яккалик беллашувларида тўрт нафар теннисчимиз биринчи босқичдан муваффақиятли ўтди. Учинчи рақамда сараланган Мурод Иноятов дастлабки учрашувда россиялик Александр Журбинни 7:6, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, тажрибали теннисчимиз Сарвар Икромов мезбонлар вакили Ойдинбек Рахишевдан 6:1, 6:0 ҳисобида устун келди.

Темур Исмоилов словакиялик Адриан Сикорага қарши баҳсни 6:2, 7:5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Яна бир спортчимиз Андрей Болдарев эса қозоғистонлик Даниил Браун устидан 6:2, 7:6 ҳисобида устун келди.

Турнирнинг жуфтлик беллашувларида Сарвар Икромов ва Темур Исмоилов дуэти қозоғистонлик Қайсар Бекимов ва Қайрат Кошеровни 6:2, 6:4 ҳисобида енгиб, чорак финалга чиқди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Футбол

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ

Ниҳоят миллионлаб ўзбекистонлик футбол мухлисларини гоҳида ҳаяжонга солган, гоҳида қувонишларига сабабчи бўлган мамлакат ХХ миллий чемпионати ниҳоясига етди.

Жорий йилги мавсум ҳақида фикр билдирар эканмиз, энг аввало, миллий чемпионатимиз профессионал футбол лигаси жамоалари ўйини савияси анча ошганлигини таъкидламаслик мумкин эмас. Чунки кўплаб учрашувлар қизиқарли, шиддатли курашлар остида ўтди. Бу йилги мавсумда ҳам 14 та жамоа иштирок этди. Аммо совринли ўринлар учун кураш яна аввалгидек «Бунёдкор», «Насаф», «Пахтакор» жамоалари ўртасида кечди.

Шуни яна бир карра таъкидлаш жоизки, бу йилги чемпионатни ҳам кейинги йилларда чемпионликни қўлдан бермаётган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоаси ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказиб мавсум якунланишидан тўрт тур аввал биринчи ўринни қўлга киритди ва яна чемпион бўлди. Бу «Бунёдкор» жамоасининг тўртинчи чемпионлиги ҳисобланади.



Чемпионатнинг кумуш медаллари учун кураш 26-турга қадар «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари орасида кечганлиги ҳам қувонарли ҳолат. Албатта биринчи даврада «Пахтакор» доим турнир жадвалида иккинчи ўринни эгаллаб келди. Аммо жорий йилда пахтакорчилар сафида жиддий ўзгаришлар юз берди, бир нечта етакчи чарм тўп усталари хориж клубларига ўтиб кетишди. «Пахтакор» мураббийлари жамоа футбол мактаби тарбияланувчиларига ишонч билдириб, бу ёшларни учрашувларга жалб этишди. Хуллас авлодлар алмашинуви жараёнини бошидан кечираётган пахтакорчилар якунда учинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлишди.

Кейинги йилларда асосан фақат совринли ўринлардан бирига астойдил даъвогарлик қилиб келаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси бу йилги мавсумни муваффақиятли якунлаб, ўзбек футболи тарихида илк марта иккинчи ўринга сазовор бўлди ва кумуш медаль эгасига айланди. Дарвоқе, «Насаф»нинг ОФК Кубоги ғолиблигини қўлга киритганини эса футболимизда ўзига хос тарихий воқеа бўлди дейиш мумкин. Жорий йилги чемпионат ўйинларида Демьяненко шогирдларининг бор-йўғи уч марта мағлубиятга учраганликлари ҳам Қашқадарё воҳасида миллионлар ўйини жадаллик билан ривожланаётганлигини яққол исботлайди.

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Нефтчи»га бу сафар тўртинчи ўрин насиб этди. Очиғи, фарғоналиклар биринчи даврда ўйинларини анча бўш ўтказишди, иккинчи даврага келиб эса улар сермазмун ўйин намойиш этишди. Шу боис «Пахтакор»дан 7 очко кам жамғарган Саркисян шогирдлари тўртинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлишди.

Турнир жадвалидаги бешинчи, олтинчи ўринлар «Машъал» ва «Навбаҳор»га насиб этди.

Жорий йилда «Шўртан», «Бухоро», «Олмалиқ», «Андижон» жамоалари мухлисларини кутган натижаларни қўлга кирита олишмади.

Турнир жадвалининг қуйи поғоналарини эгаллаган Зарафшоннинг «Қизилқум» ва Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаларининг профессионал футбол лигасини тарк этганликлари албатта ачинарли.

Бу йилги мавсум тўпурарлари рўйхатини «Бунёдкор» аъзоси Трифунович бошқарди. У рақиблари дарвозасини 17 марта аниқ нишонга олди ва тўпурар сифатида эътироф этилди.

№	Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т — Н О
1.	«Бунёдкор»	26	19	4	3	51-14 61
2.	«Насаф»	26	15	8	3	43-15 53
3.	«Пахтакор»	26	15	6	5	33-17 51
4.	«Нефтчи»	26	13	5	8	36-27 44
5.	«Машъал»	26	12	4	10	22-23 40
6.	«Навбаҳор»	26	9	9	8	26-21 36
7.	«Шўртан»	26	9	5	12	29-41 32
8.	«Бухоро»	26	8	7	11	23-38 31
9.	«Металлург»	26	9	4	13	36-42 31
10.	«Олмалиқ»	26	8	5	13	37-45 29
11.	«Динамо»	26	8	5	13	23-25 29
12.	«Андижон»	26	7	7	12	25-43 28
13.	«Қизилқум»	26	6	6	14	23-40 24
14	«Сўғдиёна»	26	4	5	17	32-51 17

Хулоса қилиб айтганда, анча сермазмун ўтган ХХ миллий чемпионат назаримизда мухлисларда илиқ таассурот қолдирди. Энди эътиборингизга миллий чемпионатнинг якуний жадвалини эълон қиламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Тадбирлар

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Жойларда маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги ҳамда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунлар мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари ҳамда диний ақидапарастликнинг олдини олиш йўлида бир қанча учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Куни кеча Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат Кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси, туман прокуратураси, туман ИИБ ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сонли академик лицейда ташкил этилган тадбир ҳам бугунги кунда аҳоли ва ёшларимизга уларнинг онгини заҳарлаётган ақидапараст оқимларнинг асл қиёфаси, террорчилик ҳаракатларининг асосий мақсадлари ҳақида тўғри маълумот етказиш масалаларига қаратилди.

Тадбир давомида вояга етмаганлар орасида терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида фикр юритилди. «Ёшлар ўртасида диний муҳитни соғломлаштириш, огоҳликка даъват ва оммавий маданият таҳдидлари» мавзуларида маърузалар тингланди. Қизиқарли ўтган тадбир якунида «Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар» номли видеофильм намойиш этилди.

Нигора ТЎЛАГАНОВА

«Ягона ойна» механизми деганда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда ягона ахборот тизими орқали барча тегишли давлат органлари ва идораларига рухсатномалар олиш учун виртуал тарзда мурожаат қилиш ва уларни олиш имкониятига эга бўлиш тушунилади.

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ҚИРРАСИ

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури»ни амалга оширишда бу тизим айниқса қўл келмоқда. Айниқса, экспорт-импорт операцияларида ушбу тизимдан кенг фойдаланилмоқда. «Ягона ойна» тизими: Озарбойжон тажрибаси» деган мавзуда ўтказилган амалий семинарда ҳам ушбу ҳамкорликнинг муҳим томонлари атрофлича кўриб чиқилди. Божхона тизимини ривожлантиришга қаратилган «Ягона ойна» лойиҳаси доирасида орттирилаётган бой тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Анжуманда Ўзбекистонда бу борада қилинаётган ишларга ҳам юқори баҳо берилди. Ўзаро ҳамкорлик «Ягона ойна» механизмини ривожлантириш имконини бераётир.

Анвар ОБИДОВ

«02»

ТОВЛАМАЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари қонунбузарликларга қарши қанча курашсалар-да, айрим фуқаролар ўз ҳақларини билмасликлари сабабли ўзлари алданиб қолишади. Кишиларнинг соддалигидан фойдаланган фирибгар товламачилар эса қонун ҳимоячиларининг номини сотиб текин даромад орттиришга уринишади. Яқинда Юнусобод туманида икки нафар ана шундай товламачининг қўлига киша урилди.

Воқеа бундай бўлганди: туманда қурилиш ишлари олиб бораётган Сарвар, Аваз ва Нўъмон исмли қурувчилар олдига башанг кийинган, ёши ўзлари қатори бўлган икки йигит келиб, прокуратурадан эканликларини айтишади. Бир қотиллик иши бўйича уларни сўроқ қилишга келганликларини айтиб қўрқитишади. Ночор қолган йигитлар «прокуратура ходимлари»га, ҳозир ёнларида катта пул йўқлигини айтиб, эртага келишларини сўрашади, кейин эса тўғри йўл тутиб, ички ишлар идорасига бу ҳақда хабар беришади. Эртаси куни келишилган пайтда етиб келган товламачилар яна пул талаб қилаётганларида жиноят-қидирув тизимининг тезкор ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

ТЎҚЛИККА ЎЙ ШУХЛИК

Ҳозир юртимизда пишиқчилик, тўкин-сочинлик мавсуми, тўйларда дастурхонни имкон қадар тўлдириш, борини меҳмонлар олдига тортиқ этишдек хислатлар мавжуд. Аммо бунинг битта «лекин»и ҳам бор: айримлар тўқликка шўхлик қилиб, жанжал чиқариши ҳам тўйларимизда учраб турадиган ҳолатдир.

Яқинда Миробод туманида шундай бир нохуш ҳолат содир бўлди. Тўйдан «тўйиб» чиққан йигитлар ўзаро ҳазиллашиб, сал қуюшқондан чиқиб кетишди. Натижада улардан бири — тўйхонадан чиққанидан бери жағи тинмаётган Орифнинг ҳазили шўх синфдош Ҳасанга қаттиқроқ тегиб кетди. У чидай олмасдан, ўртоғининг юзига бир мушт туширди, Ориф ҳам шунга яраша «жавоб» қайтарди...

Хуллас калом, буёғи ўзингизга маълум: ўртоқлардан кимдир уларни ажратган, яна бирови бирининг ёнини олиб жанжалга қўшилган. Оқибатда Ориф боши ёрилиб, қўли чиқиб касалхонага тушди, уни бу ҳолга солган Ҳасан эса ҳаддидан ошиб кетган шўхлиги учун қонун олдида жавоб бериб ўтирибди.

Мақола Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди

НАЙРАНГ ИШ БЕРМАДИ

Олмазор туманида яшовчи Ҳалима дугоналари орасида нафақат гапдонлиги, балки кўзни қамаштирувчи ялт-юлт тақинчоқларини тез-тез алмаштириб туриши билан ҳам танилган. Навбатдаги ўтиришларнинг бирида аёлларнинг тақинчоқлари ҳақидаги сўровига у: «бир қариндошим тилла тақинчоқлар савдоси билан шуғулланади, яқинда дўкон очмоқчи. Буларни ўшандан олганман, ёқмаганларини қайтариб бериб, бошқасини оламан. Агар сотиладиган тақинчоқларингиз бўлса беринглар, сотишга ёрдам бераман», деб жавоб берди.

Унга ишонган таниши Мубина сотишда ёрдамлашишини сўраб, ўзининг тилла занжирини бериб юборди. Бир ҳафтадан сўнг ундан хабар олиш учун қўнғироқ қилса, Ҳалима: «Бунингиз эскича модада экан, ҳеч талаб бўлмаяпти, қайтариб оласизми?» деб қолди. Ноилож тақинчоғини ундан қайтариб олишга борганида эса, унинг қалбакисига алмаштириб қўйилганлигини пайқаб қолди. Ҳалима айтганида туриб олгач, Мубина ички ишлар идорасига арз қилишга мажбур бўлди. Зийрак ходимлар масаланинг тагига етишгач, тақинчоқ эгасига қайтарилди, найрангбоз Ҳалима эса қўлга олинди.

САВДОГАРЛИК САВДОЛАРИ

Савдогарлик азалдан баракали касблардан саналади, аммо унинг ҳам ўзига яраша йўл-йўриғи бор. Масалан, тарозидан уриб қолмаслик, харидорни рози қилиб жўнатиш, молнинг яхшиёмонини очиқ айтиб сотиш ва ҳоказо. Фикримизча, буларнинг барчаси битта фазилат — ҳалоллик билан чамбарчас боғлиқдир. Кишининг ҳалоллиги ҳар қандай соҳада бўлганидек, савдода ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ Ҳамза туманида яшовчи Аня исмли сотувчи ана шу олий фазилатдан бебаҳра қолган, шекилли. У М. Ашрафий кўчасида жойлашган дўконда фаолият олиб борар, ҳар куни қўлидан анча-мунча пул ўтсада, ўзи оладиган маоши негадир кўзига кам кўриниб кетаверарди. Ниҳоят, кунларнинг бирида шайтоннинг васвасасига учиб, у ўғриликка қўл урди. Унча-мунча ўғриликмас, ўзига ишониб топшириб қўйилган дўконда, савдодан тушум сифатида тўпланаётган 1943200 сўм пулни чўнтагига урди. Пулни олиб, ўзи дўконни қулфлади-ю, кўздан ғойиб бўлди.

Дўкон эгалари бинойидай ишлаб келаётган бу индамас қизнинг йўқолиб қолганлиги сабабини фаҳмлаб, дарҳол ички ишлар ходимларига хабар беришди. Уларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида Аня топилиб қўлга олинди ва ҳозирда унинг устидан тегишли модда бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётир.

Ўз-ўз ўрганиб одамо бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Искандар Зулқарнайн айтган эди:

– Киши ўзининг олий ҳиммати билан азиздир. Мард шундай кишики, гапирмасдан туриб, қилмоқчи бўлган ишини адо қилади. Номард киши гапириб туриб ҳам адо қилмайди.

Искандар скифларнинг катта бир гуруҳини асир олади. Улардан 30 кишини ўлимга маҳкум этади. Лекин ўлимдан заррача чўчимай, халқ қўшиқларини куйлаб, хурсанд ҳолда сўнгги манзил сари бораётганларини кўриб, бу қавмнинг мардлигига қойил қолади ва уларни озод қилиб юборади.

* * *

Искандар дунёни айланиб чиққанига қадар жаҳонни забт этишни башорат этувчи турли кишиларни кўрган экан. Улардан бирига кўра, жумла жаҳон узук бўлиб бармоғига тақилган эмиш. Аммо бу узукнинг тоши йўқ эди. Бу ҳақда Арастудан сўраганида у айтдики, сен жаҳонни оласан, лекин ундан етарли даражада фойдалана олмайсан, чунки узук – мамлакат, тоши эса унинг султонидир.

* * *

Искандар Зулқарнайн шундай васият қилган экан:

– Мен ўлгач, мозорга олиб бораётганда қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар, токи ярим дунёни эгаллаган бўлсам-да, у дунёга қуруқ қўл билан кетаётганимни одамлар кўриб қўйсин.

* * *

Искандар Зулқарнайн айтади:

– Дўстлардан-ку кўп фойда кўраман, лекин душманлардан ундан кўп манфаат топаман. Чунки менинг ёмон феълимни дўстлар манфаат юзасидан яширадилар ва мен уни билмай қоламан. Душманлар эса душманлик жиҳатидан бу феълимни менинг юзимга соладилар ва мен ундан қутулишга ҳаракат қиламан.

* * *

Искандар ажойиб бир шаҳарга дуч келади. Шаҳар аҳлидан:

– Нега шаҳарларингиз дарвозасиз, боғларингиз деворсиз, подшоларингиз чўпонсиз? – деб сўрайди.

– Биз борига қаноат қиламиз – бировнинг молига кўз олайтирмаймиз, бир-биримизни алдамаймиз, бизда кибр, тама, ҳасад йўқ, топганимиз ўртада, ортиқча молдунёга қизиқмаймиз, бало келса, сабр қиламиз, – деб жавоб қилибдилар.

– Агар шуларга ўхшаган бўлганимда беҳуда дунё кезмаган бўлардим, – дейди Искандар.

* * *

Искандар Зулқарнайн бообрў бир одамни нуфузли мансабдан бўшатиб, анча паст бир амалга тайинлабди. Бир куни у саройга келганида сўрабди:

– Қани, айт-чи, янги мансабинг маъқулми?

– Олампаноҳнинг умрлари узун бўлгай! – деб жавоб қилибди у. – Одам мансаб билан улуғ бўлмайди, балки мансаб одам билан муҳтарам бўлади. Қайси ишда бўлмасин, хушмуомалалик ва адлу инсоф зарур.

Бу гап Искандарга маъқул бўлиб, унга аввалги мансабини қайтариб берибди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

(Давоми бор)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёғин-сочин эҳтимоли бор, кундуз куни ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **19 ноябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 22 ноябрда чиқади)

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2839 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 1141

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.20 1 2 3 4 5